

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

■ Форум

ОКМК:
ЮКСАЛИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олмалик шаҳрида “Олмалик кон-металлургия комбинатини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболлари” мавзусида форум бўлиб ўтди.

“Янги Ўзбекистон: таъриқ, инновация ва маърифат” мавзусидаги халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур форумда 200 дан зиёд иштирокчилар, жумладан, комбинатнинг 50 га яқин хорижий бизнес ҳамкорлари қатнашди.

Форумни ўтказишдан асосий мақсад — Олмалик кон-металлургия комбинатини ривожлантириш истиқболлари ва йўналишлари, амалга оширилган ишхотлар, потенциал инвестиция имкониятларини намойиш этиш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Расмий очилиш маросимида “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқарув раиси А.Хурсанов сўзга чиқди.

Бошқарув раиси томонидан Олмалик кон-металлургия комбинати фаолияти, инфратузилма объектлари, ҳамда истиқболли лойиҳалар ва амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотлар берилди.

Очилиш маросимида шунингдек, “JPMorgan” банкининг ижрочи директори Юнха Ким, “Glencore” компаниясининг харидлар бўйича директори Мария Самойлова, “Falk Porsche” компанияси таъсисчиси Фальк Порше Ўзбекистоннинг географик жойлашуви, яқин ва узоқ шарқ ва ғарб давлатлари билан эркин муносабатлари, GSP+ бенефициари мақоми, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ишлари, бой хомашё ресурслари ҳамда қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга тайёрлиги доир ҳамда билдиришди ва узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишнинг истиқболли йўналишлари бўйича ўз тақлифларини берди.

— Ўзбекистон бизнес учун қулай шароитга эга мамлакатлардан бири. Табиий бойликлари, кучли ишлаб чиқариш, интеллектуал салоҳият ва меҳнатсевар халқи билан Ўзбекистон катта ютуқларга эришишига ишонамиз.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

■ Эртага — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

Сайловлар — демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Сайлов — халқ ўз хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўйбга чиқаришининг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг негизи ҳисобланувчи улкан ижтимоий-сиёсий тадбирдир.

Эртага бутун халқимиз мана шундай улкан жараённинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлади. 9 июль кунига белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун барча тайёргарлик ишлари мавжуд қонунчилик доирасида ташкил этилди. Мазкур муҳим сана олдида

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил қилинди.

Брифингда округ сайлов комиссияси раиси Улугбек Тўхтаев сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш

бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича комиссия аъзолари томонидан олиб борилган ишлар натижалари ва галдаги вазифалар ҳақида сўз юритди.

— Таъкидлаш жоизки, сайловни ўтказишга тайёргарлик қўриш “Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодекси”да белгиланган

тартиб-тамоийлар асосида амалга оширилмоқда, — деди У.Тўхтаев. — Сайловнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни жуда муҳим. Шунинг учун сайлов билан боғлиқ барча жараёнлар журналистлар учун очик ва ошкора ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ
ОЛИЙ ИФОДАСИ

■ Бунёдкорлик

БИР КУНДА
ИЖТИМА БОҒЧА
ФОЙДАЛАНИШГА
ТОПШИРИЛДИ

Тинч-осойишта юртга ҳар қанча байрам, тантана ва бунёдкорликлар ярашаверади. Ойбек ва Митан маҳаллаларида янги мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилгани пискентликлар учун катта шодийнага айланиб кетди.

“Shaxzodabonu kinder garden” номи янги хусусий боғча 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, ёруғ, шинам хоналарда ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбия олишлари учун етарли шароит яратилган.

3

“ҚУМАРИҚ”НИНГ
ЭКСПОРТБОП
КАРАМЛАРИ

Брокколи карами ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Бу экин юртимизда кам тарқалган сабзотот турига киради. Яқин-яқингача уни айрим фермер хўжаликлари чекланган миқдорда етиштириб, хорижга экспорт қилиб келишган. Фақат маълум қисмигина ўзимиздаги дўконлар, бозор расталарига сотувга чиққан. Бугунга келиб эса, карамдошлар оиласига мансуб гулкарамнинг ўзгарган бу турига қизиқиш ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

2

"Қўли бор" аёлнинг
ПУЛИ БОР

Зангиоталик Зилола Муборова вилоятимиздаги бўлғуси илғор тадбиркор аёллардан. У яшайдиган “Олмазор” маҳалласи аҳолиси, асосан, томорқачилик билан шугулланишади.



3

■ Шижоат

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ОЛИЙ ИФОДАСИ



Вилоятдаги мавжуд сайлов участкаларининг 574 таси умумтаълим мактабларида, 50 таси коллеж, лицей ва техникумларда, 90 таси маҳалла фуқаролари йиғинлари биноларида, 53 таси тиббиёт муассасаларида, 10 таси олий ўқув юртиларида, 64 таси давлат тасарруфидagi ташкилот ва корхоналарда, 9 таси адлия идоралари биноларида, 60 таси спорт ва маданият марказларида, 32 таси ҳарбий қисмларда жойлаштирилди.

Шунингдек, вилоят бўйича 25 та сайлов участкасида эртанги овоз бериш жараёнларини онлайн кузатиш имконияти яратилган.

Маълумки, сайлов куни ўз яшаш жойида бўла олмаган фуқаролар муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эгадир. Муддатидан олдин овоз бериш 2023 йил 28 июндан бошланди ва 5 июль куни якунланди. Бу вақт давомида 66 минг 170 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз берди.

Йиғилишда сайлов жараёнида имконияти чекланганлар учун алоҳида шароитлар яратилганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жисмоний ҳаракати чекланган сайловчилар учун биноларда нишаб йўлаклари барпо этилган. Сайлов участкасига кела олмайдиган фуқаролар учун уларнинг хонадонларига сайлов қутилари билан бориб, овозларни олиш учун олдиндан тайёргарлик қўрилган.

Брифингда жараёнларни тезкор ва ҳолислик билан ёритиб боришни таъминлаш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан вилоят бўйича 60 нафардан ортиқ ОАВ ходимлари аккредитациядан ўтказилгани ҳам маълум қилинди ва журналистларга тегишли гувоҳномалар топширилди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

ОКМК: ЮКСАЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Биз Олмалик кон металлургия комбинати билан замонавий юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватларини бунёд қилишда ҳамкор бўлганимиздан мамнунмиз.

Бугунги форумда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлик доирасида бир қатор лойиҳаларимиз билан таништирдик. Ўйлаيمанки, уларни биргаликда амалга оширамиз, — дея таъкидлади форумда иштирок этган “Falk Porsche” JV Ltd компаниясининг таъсисчиси Фальк Порше.

Форум доирасида “B2B” музокаралари ва “Кон-металлургия саноатида рақамли трансформация”, “Комбинатда истиқболли лойиҳалар ва чиқиндиларни қайта ишлаш”, “Кон-металлургия саноатида тоғ кон-металлургия ва юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Тоғ-кон саноатида барқарор ривожланиш”, “Транспорт соҳасида замонавий ва илгор технологияларни жорий қилиш” мавзуларида панель сессиялари ҳамда лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди.

Форумда кўплаб ийрик хорижий компаниялар минтақавий раҳбарлари ва вакиллари иштирок этишди.

Учрашувлар ва панел сессиялар якунларига кўра, комбинатнинг хорижлик ҳамкорлари яқин ишбилармонлик алоқалари доирасида келгусидаги ишларни давом эттириш, қисқа ва ўрта муддатли истиқболли ҳамкорлик йўналишларини шакллантиришдан манфаатдор эканликларини билдиришди.

ОКМК ахборот хизмати

Оққўрғон тумани ҳо-кимлигида иш бошлаган кезларим. Туман ҳокими Алишер Каримжоновнинг навбатдаги фуқаролар қабулининг бирида бошига баҳмал дўппи кўнди-рган, кўлида елим халта, ўрта бўйли, бугдойранг, истараси иссиқ бу киши маҳалласидаги бир масала юзасидан ҳоким ва сектор раҳбарларига мурожаат қилди. Қонариқ канали устидан ўтган сув қувури таъмирланса, аҳоли хонадонларига ариқдан сув келса, томорқадан фойдаланиш самардорлиги ошиши, ҳам савобли иш бўлишини, қолаверса, 240 хонадоннинг рўзғорига барака киришини гижжалаб тушунтиришга уринди. Кичик залдан чиққан маҳалим, ҳамроҳларимдан бири бу инсон ҳар бир ишини кундалик тутиб, ёзиб юришини айтиб қолди. Бу гапга эътибор қилмадим. Бир лаҳзалик воқеа шу лаҳзанинг ўзида ҳаёлимдан кўтарилди...

Иккинчи воқеа. Тумандаги “Гулистон” маҳалласида эдик. Маҳалла гузари олдида ўрнатилган — замин тимсоли устида қаддини бир бирига елкама елка тутиб турган, олтин рангли уч ирққа мансуб болакай ҳайкали эътиборимни тортиди. Ёнимда турган маҳалланинг ёшлар етакчиси бу ёдгорлиқнинг тарихи ҳақида гап-ра туриб, уни Олимбек Жуманов ташаббус кўрсатиб ўрнатганини маълум қилди. Олимбек ака шу маҳалланинг “виждони”, деб таъкидлаб ўтди ҳамроҳим гап орасида.

Домла ҳақидаги боя айтганим — бирламчи таассуротнинг алдамчилиги шундаки, илк учрашувда бу инсонни негадир ҳаётдан олиб юрадиган инсон сифатида тасаввур қилган эканман. Бу борада муллоко янглиганимни кейин-кейин тушуна бошладим...

АСИСЕНТЛИКДАН АКАДЕМИКЛИККА

2023 йилнинг бошларида домла билан танишиб, бир неча бор суҳбатлашиб насиб этди. Суҳбатларимиз тарих, замон ва иқтисодиёт борасида бўлди. Ҳар гал домлани қайтадан қашф этгандек бўламан. Ва яна бир жиҳат — домлани қаерда кўрмайин ўша елим халта унинг доимий ҳамроҳи эди...

Асли Оққўрғон туманининг “Гулистон” маҳалласидан бўлган Олимбек Жуманов ҳаёти ва фаолияти бир неча китоб бўлгудек эди. Бу киши айни дамда Фаргона политехника институтининг фахрий профессори саналади.

Айтиш ўринлики, домланинг 70 йиллиги хорижлик илм-фан намоёндалари қатори ватанимиз олимлари даврасида кенг нишонланди. Бу инсоннинг илму маърифат йўлидаги хизматлари ҳақида ўнлаб илмий мақолалар, рисо-лалар битилди.

Урни келганда домланинг иш фаолиятига бир тўхталиб ўтиш жоиз. Домла 1977 йили Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) тамомлаб, ушбу олийгоҳнинг Қишлоқ ҳўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили кафедрасида танлов асосида ишда қолдирилди. Ассентлик академикликка илк қадам бўлди.

“ҚУМАРИҚ”НИНГ

Шу боис брокколи карамини эндиликда нафақат махсус ҳўжаликларда, балки аҳоли хонадонларида ҳам етиштириш йўлга қўйилмоқда. Нурафшон шаҳридаги “Қумариқ” маҳалласи аҳли ҳам томорқа ва очиқ майдонларда брокколи етиштириб, ички бозорни таъминлаб келмоқда. Маҳалладаги қарийб 100 дан ортиқ хонадон шу билан шуғулланади.

Шерзод Аширматов бир неча йилдан бери ҳовлиси ва 1 гектар очиқ майдонда брокколи етиштириб келади. Айни кунларда даладаги ҳосил охи-рлаб қолган. Тайёр маҳсулот бозорга чиқади, қолаверса, даланинг ўзидан ҳам олиб кетадиган харидорлар бор.

— Бу йилги ҳосилимиз анча мўл бўлди, — дейди Шерзод Аширматов. — Биласизми, брокколи эртапишар экин ҳисобланади. Қолаверса, ердан кўп ҳам унумдорлик талаб қилавермайди. Совуққаман анчагина чадамли. Шунинг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

1981-1984 йилларда Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Москва Молия Университетида мақсадли аспирантурада таҳсил олиб, муддатидан олдин “Пахтачилик агросаноат бир-лашмаларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил қилиш” мавзусида кандидатлик диссертация-сини ҳимоя қилиб, “Иқтисод фанлари номзоди” илмий даражасига эга бўлди.

1990-1994 йилларда М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида мақсадли докторантурада таҳсил олиб, “Интеграциялашган пахтачилик агросаноат ишлаб чиқаришда маҳсулот харажатлари ҳисоби ва таннархи калькуляциясининг тизими” мавзуси-

ЁНИМИЗДАН ОҚҚЎРҒОНЛИК

Ёхуд сиз билган ва билмаган оққўрғонлик бухгалтерлар академигининг илмий фаолиятига бир назар



Биринчи та-ассурот алдам-чи бўлади, деган гап бор. Бунга кўп бора амин бўлганман. Олимбек Жуманов билан ҳам шундай бўлди.

даги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Докторлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги унга 1990-1994 йилларда

“Кремль сёзллар саройида” бутун дунё бухгалтерлар ва аудиторларнинг жаҳон тарихида илк марта биринчи бўлиб ўтган биринчи ва иккинчи сёзлларда делегат бўлиб, катта минбардан маъруза қилиш имконини берди. Шундай қилиб, домла Халқаро сёзл делегати сифатида дунёнинг иқтисодий ривожланиши, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлили ва аудит соҳаси бўйича оламга таниқли олимлар билан илмий мунозарага киришди.

Домла келажакка тўлиқ ишонч билан қадам босди. Фан билан таълимни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилиб, толиби илмларга дарс беришга ҳам улгурди. Унга СССР Олий Аттестация комиссияси (ВАК) қарори билан “Доцент” дипломи, 1994 йилда эса Тошкент давлат Иқтисодиёт универси-тети профессори унвони берилди ва шу йилдан мазкур университетнинг “Бухгалтерия ҳисоби ва аудити” кафедрасини бошқарди.

Домла илм-фан ривожланишига қўшган серқирра меҳнати учун 1995 йил “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва аудити” мутахассислиги бўйича Қозғистон Республикаси табиий фанлари Миллий академияси академиги этиб сайланди.

Шундан кейин ўша кезлар Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида ян-гидан ташкил қилинган “Давлат молия-

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

си ва солиқ” кафедрасига университет ректори, академик С. Ғуломовнинг тақлифи билан мудирлик қила бошла-ди.

ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИБ...

Академик О. Жуманов халқаро мо-лиявий ҳисоб ва ҳисобот стандартлари талабларига мос келувчи Ўзбекистон-нинг замонавий бухгалтерия ҳисоби, таҳлили, аудити ва ҳисобот тизимини яратишда улкан ҳиссасини қўшди. Чунки, чет эл молиявий институтлари ва инвесторлари, ўша вақтда амалда қўл-ланилаётган совет бухгалтерия ҳисо-би, таҳлили, назорати ва ҳисоботининг

мудир бўлиб хизмат қилди. Номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳи-моя қилиш бўйича ихтисослашган кен-гашлар ишида фаол қатнашди, ўнлаб шогирдларга илмий раҳбарлик қилди.

Таъкидлаш жоизки, домла “Акаде-мик мобильност” методини Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон Республи-калари таълим тизимида биринчилар-дан бўлиб амалда татбиқ этган олим-лар сирасига қиради.

Илм-фан вакили сифатида омма-вий ахборот воситаларида Марказий Осиёда ягона олий таълим макони яратиш, олийгоҳлар ўртасида тўғри-дан-тўғри алоқаларга асосланган ҳам-корликни жорий этиш, олий таълимдан кейинги ҳамкорлик истиқболларига доир тақлиф ва тавсияларни илгари суриб келмоқда.

Дарвоқе, 2022 йил декабрь ойда Чимкент шаҳридаги Жанубий Қозғис-тон университетида О. Жумановнинг 70 йиллигига бағишлаб, “Янги Қозғистон: Евроосиё кенлигида ҳисоб, иқтисод ва молиянинг муаммолари” номли халқаро иқтисодий форум ташкил этилди. Бу форум нафақат домла учун, балки бутун Евроосиё мамлакатлари молия назариётчилари учун амалий аҳамият-га эга анжуман бўлди.

Ушбу форумни ўтказишда домла-нинг ўзбекистонлик ҳамкасблари, та-ниқли олимлар — С. Ғуломов, К. Ша-рипов, С. Худойқулов, Т. Тешабоев, Қозғистон вакиллари — Д. Қожамжа-рова, Б. Наримбетов, Б. Абдирасулов, Н. Айнабеков, К. Тайгашинава, Қозғи-стон “Дўстлик” ўзбек этно-маданий бирлашмиси раҳбари И. Хошимжонов, Қирғизистондан Марказий Осиё мам-лакатлари бухгалтерлари ва аудитор-лари Иссиқкўл форуми президенти М. Исроилов, Буюк Британиядан профес-сор Майк Харди, Туркиядан профес-сор Али Чорух, Беларус давлатидан профессор О. Дормешкин, Польшадан Стефан Дурка каби кўплаб илм-фан номёндаларининг хизмати катта бўл-ди.

Форумнинг эришган муҳим ютуғи бу — ундаги илмий мунозаралар ин-глиз, рус тилларида чоп этиладиган халқаро нуфузли журналда чоп этил-гандир. Шунингдек, форумнинг илмий ишлар тўплами халқаро илмий база-ларга киритилди.

О. Жумановнинг илмий раҳбарлиги-да юртимиз ва МДҲ мамлакатларида 10 та докторлик, 20 та кандидатлик, 100 дан ортиқ магистрлик диссертаци-ялари ёқланган. 50 дан зиёд канди-дат ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилиб, уларнинг ҳимояларида иштирок этиб келаяёт-рини. Унинг муаллифлиги ва ҳаммуаллиф-лигида 800 та илмий иш, 40 дан ортиқ монография, ўқув қўлланма, дарслик, рисола ва бошқа ўқув-услубий қўллан-малар инглиз, ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз тилларида чоп этилиб, амалиётга тат-биқ қилинган. Мисол тариқсида до-мланинг “Финансы”, “Қаржи”, “Экономи-ка” каби китобларини келтириб ўтиш мумкин.

Бундай мисолларни оққўрғонлик академик Олим Жумановнинг илмий фаолиятидан кўп ва ҳўб келтириш мумкин.

Камтарлик, фидойилик ва мулоҳа-закорлик. Мана шу уч инсоний сифат академик Олим Жуманов шахси билан чамбарчас боғлангандир.

Бугун ҳашаматга берилмай, камта-рона ҳаёт кечириб келаяётган кекса олимнинг илму маърифат зийсини ула-шишдаги хизматлари унинг ўзи униб-ўсган қишлоғи бўйлаб сокин оқиб ўтув-чи “Қонариқ” анҳорининг чор-атрофга улашаётга оби-ҳаёти каби беминнат ва бебаҳодир...

Эргашжон ХўЖАЕВ,
Оққўрғон тумани ҳокимининг
Ахборот сибёсти масалалари
бўйича маслаҳатчиси

ЭКСПОРТБОП КАРАМЛАРИ

учун етиштириш осон. Энг муҳими, таркибида кўплаб фойдали озуқа мод-далари мавжуд бўлиб, юқори биологик фаоллиги билан бошқа карамлардан устун туради.

Маҳаллада истиқомат қиладиган Беҳзод Ёдгоров ўзи давлат хизмат-чиси. Шунга қарамаддан ҳовлисида-ги томорқасини ҳам бўш қўймаган. У ерда брокколи, карам, помидор ва оқ турп экиб, йилгига 3 мартагача ҳосил олмақда. Етиштирилган маҳсулот-лар бозор расталаридан ўз харидорларини топ-моқда. Ҳамжихатлик ва ҳалол меҳнат ортидан келаяётган даромад эса оила бюджетига барака келтирмоқда.

Шунингдек, қумариқлик Мусабек Исломов етиштирган брок-коли карамлари Қозғистон ва Рос-сияга экспорт қилинмоқда.

— Брокколини чет элликлар севиб истеъмол қилишади, кўпинча салатлар тайёрлашда ва таомларни безашда ишлатишади, — дейди Мусабек Исло-мов. — Айни шу жиҳатлар ушбу маҳсулотнинг экспортбпли-гини таъ-



минламоқда. Бу йил гектаридан 10 тонна-дан ҳосил олди. Ўзимиз етиштиргандан ташқари қўшни Ўрта Қирчиқ, Бекбод ту-манларидаги ҳўжаликлардан ҳам сотиб олиб, экспортга йўналтирамиз. Ҳозирда музлатичида 20 тонна ҳосилимиз бор. Экспорт ҳажминини янада ошириб, бошқа хориж мамлакатларига ҳам чиқишни ният қилиб турибмиз.

Очиги, маҳалла ҳудудида би-рорта бўш ер, бекорчи одамни учратмадик. Кимдир ҳовли-сини боғ қилган, кимдир эса, чорвачилик билан шуғуллан-моқда. Иссиқхоначилик, то-морқачиликда маҳалла аҳли анчагина илгор. Шунданми, кўчалар фазили, маҳалла обод, оилалар турмуши фав-ровон.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

БИР КУНДА ИЖТИМА БОҒЧА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Тантанали маросим 13-мактабгача таълим ташкилотига давом этди. Бу муассаса 1970 йилдан бери мослаштирилган бинода фаолият олиб боради. Вақт ўтгани сайин маҳаллада болалар сонининг ортиши янги ва замонавий қўшимча биноларга эҳтиёж туғдирди.

Яқинда Инвестиция дастури асосида 2 миллиард 600 миллион сўм эвазига янги, замон талабларига мос бино болажонлар ихтиёрига топширилди. Тантанали очилиш маросимига Пискент тумани ҳокимлиги масъуллари, вилоят ва туман Мактабгача ва мактаб таълими бўли-

(Давом. Бошланиши 1-саҳифада)

ми раҳбарлари, депутатлар, маҳалла фаоллари ва нурунийлар, ота-оналар жам бўлишди.

— Сирасини айтганда, яқин йилларгача, Пискентда боғча масаласи муаммо бўлиб, болаларнинг мактабгача таълимга қамрови етарли даражада эмас эди, — дейди Ойбек номли маҳалла фаоли, меҳнат фахрийси Жўракул Отақулов. — Лекин давлатимиз раҳбарининг ёш авлод таълим-тарбиясига қаратган эътибори натижасида туманимизда ҳам пешма-пеш замонавий боғчалар қад ростламоқда.

Муассасаларда болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиш учун барча шароитлар яратилган, малакали педагог ва техник ходимлар билан таъминланган. Кенг, шинам ва ёруғ хоналар, музика, машғулот ва овқатла-ниш заллари, ошхоналар иссиқлик тизимига уланган. Албатта, буларнинг барчаси эрта-миз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай, тўқис шароитларда вояга етишлари учун хиз-мат қилиши шубҳасиз.

А. ХУСАНОВА

Сўнги йилларда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликка кенг эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида тадбиркорликнинг мазкур йўналиши билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун қатор имтиёз ва имкониятлар белгилаб қўйилди. Натижада, оилавий ишбилармонлик фаолиятини йўлга қўйганлар сони кун сайин ортмоқда.

Интилиш

ИМОРАТНИНГ КЎРКИ
НАРДОЗ
БИЛАН

Зангиота тумани “Олмазор” маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Юсуфалиевлар ана шундай ишбилармон оилалардан бири. Улар қурилишга зеб беришда ишлатиладиган турли нақшинкор декор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

— Бундан 2 йил аввал фаолиятимизни бошладик, — дейди оила боши Рустамхўжа Юсуфалиев. — Илгари сантехник бўлиб ишлардим. Бу бизнеснинг даромади яхши, қолаверса, ҳеч “ўлмайдиган” иш. Шунинг учун бу соҳага қизиқиб қолдим ҳамда тезда ишлаб чиқариш техникасини харид қилиб, иш фаолиятимизни йўлга қўйдик.

Рустамхўжа ака ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатлилиги ҳамда ҳамёнболлиги билан ажралиб турди. Шу билан бирга, буюртма қилинган нақшлар бепул элтиб берилди. Ҳозирда тайёрланган маҳсулот тезда эгасини топапти. Тадбиркор келгусида иш фаолиятини янада кенгайтириб, халқимизга сифатли маҳсулотларни етказиб беришни ҳамда ишчилар сонини оширишни мақсад қилган.



Умуман олганда, вилоятимизда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ўлароқ кичик бизнес ва оилавий ишбилармонлигини йўлга қўйиб олганлар кўплаб топилади. Улар нафақат ўз даромадларини ошириб, оиласига барака олиб киришмоқда, балки жамиятимизда бугун қон тартибиде турган ишсизлик, аҳоли бандлиги, камбағалликни қисқартириш каби ўта муҳим масалаларда кўмакчи бўлишмоқда. Энг муҳими ҳам шу.

Сухробжон ЖЎРАЕВ
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

"Қўли бор" аёлнинг ПУЛИ БОР

Зилола опанинг хонадонидagi ер унча катта бўлмагани боис, деҳқончилик қилишнинг имкони бўлмаган. Шундан сўнг у танишидан буюртма асосида автомобиль ўриндиқлари учун ғилоф тикишни ўрганди. Анча кўли келиб қолгач, ишни ўзи мустақил равишда йўлга қўйиб олди.

Бошида анчагина қийинчиликларга учраган бўлишига қарамай, ҳеч ҳам ортга чекинмади. Ҳозир эса, ҳудуддаги 10 нафар ёшани иш билан таъминлаган.



— Меҳнат қилиб, астойдил интилса, одам кўзланган натижага эришаркан, бунга ўзим амин бўлдим, — дейди қаҳрамонимиз. — Тақдирни қаранг, илгари ўзим иш сўраб эшикма-эшик юрардим, ҳозир эса уйимга иш қидириб келаётганларнинг сони мўл. Ишимиз ҳам унақа қийин эмас. Мен фақат ғилофларни бичиб, тикиш учун тайёрлаб бераман. Қизлар эса тикиб олиб келишади. Ҳар доим уларни текшириб оламан. Ахир, харидорга сифатли маҳсулот беришимиз керак-да. Очиғи, ишим ўзимга ёқади, жудаам мамнунман.

Ҳа, ҳалол меҳнат ортидан келган хурсандчилик чинакам бахт асли.

Нозима АРСЛОНОВА
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Турли касб
эгалари

Техникалар “ШИФОКОРИ”

Вилоятимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнес режаларини тўғри йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳамда доимий қўллаб-қувватлаш шулар жумласидан. Бунинг натижасида бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар сони сезиларли даражада ошди.

Хусусан, Нурафшон шахри Муқимий маҳалласида истиқомат қилувчи Хусан Абдужабборов ёшлигидан техникага жуда қизиққан. Бу қизиқиши ортидан у яшаш хонадониди машина тузатиш устaxonаси очиб, кичик тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

— Маҳаллага яқин жойда машина таъмирлаш устaxonаси йўқ эди, — дейди Хусан ака. — Шунда уйда кичик устaxonа очилишни мақсад қилдим. Қисқа вақтда бу ўзини оқлаб, ҳатто қўшни туманлардан ҳам аҳоли машина таъмирлатгани келадиган бўлди. Шундан сўнг банкдан 33 миллион сўм кредит олиб, ишимизни кенгайттирдик. Ҳозирда автомобиль кузов қисмини таъмирлаш ҳамда бошқа кичик сервис хизматларни йўлга қўйганмиз.

Хусан Абдужабборов 2017-2018 йилларда Туркияда мала-

ка ошириб, ҳозирда ўрганганларини устaxonасида қўллаб бошлади. Хусан аканинг икки ўғли ҳам отасининг изидан бориб, устaxonада фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, таъмирлаш устaxonаси фаолияти кенгайиши натижасида 4 кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, ма-



ҳалладаги қизиққан ёшлар ҳам шу ерга келиб, бу касбнинг сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Нурафшонлик устаннинг касбга меҳри бўлакча. У ўз касбини шифокорлик машаққатига қислайди. Шифокор инсонларни даволаса, биз техникаларни ҳаётга қайтарамиз, дейди у. Шифокор

бемор оёққа турганида қанчалик қувонса, усталар ҳам “бемор”ларини тузатганда шунчалик қувонди. Шу боис ҳайдовчилар бир неча чақирим йўл босиб бўлса ҳам машиналарини шу ерга олиб келишади. Айтишадики, ўз ишининг устасини ишининг ўзи топади, деб.

Сухробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Мурожаат



Умиданинг йўлдан умиди бор...

Янгийўл туманидаги “Саховат” маҳалласидаги яшовчи Умида Утегенова 1-гурух ногирони. Шундай бўлишига қарамай, у касаначилик билан шуғулланиб келади. Хунарманд қуроқнинг 20 дан ортиқ турини тикиб, ички бозорга етказиб беради. Бироқ, айни кунларда унинг ҳаракатлинишида муаммолар тугилмоқда.

— Тақдир экан, оёқларимда нуқсон билан туғилдим, — дейди Умида. — Авваллари у қадар кўча-кўйга чиқмас эдим. Аммо тирикчилик мақсадида минг машаққат

билан тайёрлаган маҳсулотларимни бозорга олиб чиқишимга тўғри келади. Кичик арава менинг оёқларимга айланган. Афсуски, йўлда юриш нафақат мен каби ногиронлиги борларга, қолаверса, нурунийларга ҳам қийин бўляпти. Айримлар қоқилиб, шикаст

ейишяпти. Эшитишимизча, биз истиқомат қилаётган кўча 1969 йили асфальтлаштирилган экан. Йиллар ўтиб йўл таъмирланавермагач, дала йўлидан фарқи қолмади. Шушу қишда пой кечдик, ёзда тупроққа беландик. Масъуллардан жўяли ташаббус чиқмагач, ўтган йили маҳалла ахли пул йиғиб, шағал тўқтирдик. Биласиз, шағалда юришнинг ҳам ўз машаққати бор.

Яқинда маҳалла раисига мурожаат қилдик. “Ташаббусли бюджет” рўйхатида навбатда турибмиз экан. Ҳалиб бўлсак

кўчамиз таъмирланиб, қўлайлик яратиларкан. Энди кутиб кунимиз ўтаверадими? Гоҳида уйланиб қоламан, тунларни бедор ўтказиб, турли ранг ва шаклдаги майда мато парчаларидан буюм, безак ҳосил қилишни ҳам эрта тонг бозорга олишқиб, катта йўл ёқасига чиқиб олишим олдида ҳеч гап эмас экан...

Вилоятимизда йўл масаласидаги муаммолар бирин-кетин бартараф этиляпти. Хўш, Умиданинг илтимоси бажариладими? Масъуллардан изоҳ кутиб қоламиз.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

Минбар

ҚОНУН БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Юртимизда ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган. Инсон қадрини улуглаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, демакдир. Шундай экан, мамлакатимизда адлия тизимини ислоҳ этиш, жумладан, нотариал фаолият соҳасида ҳам кенг ислохотларни амалга ошириш авваламбор, инсон қадри учун, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Нотариал фаолият бу — шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини муайян замон ва маконда самарали ва тўлақонли ҳимоя қилинишини, қонуний амалга оширилишини, реал муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий хизмат кўрсатиш фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади. 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳада нотариал фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда туб ўзгаришлар яратиши билан бирга, нотариал фаолият билан шуғулланишнинг янгича қоидаларини жорий этди.

Йиллар ўтган сари соҳага ўзгартириш қиратишни, уни такомиллаштиришни даврининг ўзи талаб қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, нотариал фаолиятни ривожлантириш мақсадида хусусий нотариусларни шакллантириш ва шу орқали аҳолининг нотариал хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлақонли ва сифатли қондириш белгиланди.

Нотариал фаолиятни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилар эканмиз, буларнинг орасида биринчи навбатда мамлакат асосий қонуни сифатида Конституциянинг алоҳида ўринга эгаллигини таъкидлаш лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари тўлиқ тан олиниши халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлиги белгилаб қўйилган. Бугунги кунда нотариал фаолиятнинг алоҳида масалаларини тартибга солишга қаратилган халқаро ҳуқуқ тамойилларининг такомиллашиб бораётгани ва бу жараёнда юридик ва жисмоний шахслар иштирокининг ортиб бориши эътиборлидир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олувчи икки юздан ортиқ Конвенцияларни ратификация қилган. Шундай экан республикаимизда фаолият юритаётган ҳар бир нотариус зиммасига юклатилган вазифаларни маъсулият билан, оқилона бажариш учун соҳага оид барча қонун ва қонуности ҳужжатларини изчил ўрганиши, шунингдек, соҳани янада ислоҳ қилиш учун таклифлар билдира олиши лозим.

Наргиза МИРАҲМЕДОВА,
хусусий амалиёт билан
шуғулланувчи нотариус,
Ангрен шахри

Истеъдод ёш танламайди

Ихтиёржон Рашидов айна пайтда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари йўналиши 4-босқич талабаси.



Иқтисодори, меҳнатсаврлиги, янгиликка интилиши, ташаббускорлиги ва креатив фикрлаши билан виллоятимиздаги фаол ёшлари қаторидан жой олган. Ихтиёр 20 дан ошқ инновацион лойиҳалар яратган бўлиб, ун олтига илмий иши халқаро журналларда чоп этилган.

Ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги, аҳоли хонадонларидаги мавжуд муаммолар ечими билан шўғулланиб келаётган қаҳрамонимиз доимо инновацион лойиҳалар устида изланади.

Хусусан, у аҳоли орасида ис газидан заҳарланиш ҳолатлари жуда кўп учрагани сабабли бу борада ўз изланишларини олиб борган. Ис газидан оғоҳлантирувчи, тегишли жойларга хабар берувчи, газ таъминотини ўқирувчи 5 турдаги қурилма ишлаб чиққан.

Маълумки, саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида электр моторларнинг қуйиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун электр

моторлар ҳимояси лойиҳаларини тайёрлаб, электр моторларни қуйишдан 50 фоизгача сақлай

оладиган қурилмалар ишлаб чиқди.

Ёш истеъдод эгаси тайёрлаган яна бир лойиҳада робот-гит тарихий обидалар, ўқув марказлари ҳақида 3 тилда бемалол маълумот беради. Ихтиёр сунъий интеллектга асосланган мулоқот қилувчи роботлардан ясаб, Тошкент виллояти ёшлар технопаркига ўрнатган. Албатта, бундан ёшлар унумли фойдаланишмоқда.

– Ўқувчилик даврим доим мактабларда ақлли кўнгироклар бўлишини жуда истардим, – дейди Ихтиёр Рашидов. – Анча вақт шу ғоямни амалга ошириш учун изландим. Ниҳоят, урдаладим. У ўқувчи ва ўқитувчини ўз вақтида синфда бўлишини таъминлашда

асқатади. Энди бу борада мактабларда муаммо бўлмайди. Яна бир гап, касалхоналар, ёши катта инсонлар учун дориларни ўз вақтида идишга солиб оғоҳлантирадиган ақлли дори қути лойиҳасини ҳам амалга оширдим.

Бугун дунё микёсида сувни тежаш мақсадида томчилатиб сугориш тизимлари йўлга қўйилган. Ихтиёр томчилатиб сугориш тизимлари, айниқса, иссиқхоналар учун тупроқ намлиги, ҳаво ҳарорати, дориларни ўз вақтида соладиган, масофадан бошқариладиган қурилмалар ҳам тайёрлади. Уларга бугун томорқачилар катта қизиқиш билдиришяпти.

Ихтиёржон “Замин” халқаро жамоат фондининг “Zamin education” лойиҳаси доирасида Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро виллоятларига бориб, кар ва заиф эшитувчи болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг эшитиш қобилияти заиф ўқувчилари учун робототехника бўйича инклюзив маҳорат дарслари ўтиб қайтди. Шунингдек, эшитиш қобилияти заиф ёшларни келажак касбларига ўргатиш учун инклюзив маҳорат дарслари тайёрланди.

Мамлакатимиз ёшлари учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, республика ва халқаро микёсида ўтказилган турли илмий-амалий конференциялар, танловлар, форумлар ва саммитларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири



Ёз – 2023

Тошкент туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактаби ёз мавсумида ўқувчи ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қўшимча касб-хунарга йўналтириш мақсадида 7 хил йўналишдаги 21 та тўғарақларга минг нафардан зиёд ўқувчиларни қамраб олган.

Шундан, 512 нафари 10 та умумий ўрта таълим мактабида касб ўрганса, қолган ёшлар туман марказидаги “Баркамол авлод” болалар мактаби ва “Оқтом” маҳалласи ҳудудидаги Маданият марказида ташкил этилган тармоқ тўғарақларга жалб қилинган.



СПОРТ Янгиликлари

“МЕТАЛЛУРГ U-17” “БОРДО”НИ МАҒЛУБ ЭТДИ
Испанияда “Donosti Cup – 2023” халқаро турнири давом этмоқда. Унда “Металлург U-12” ҳамда “Металлург U-17” жамоалари қатнашмоқда.

Иккинчи кунги баҳслар иккала жамоа учун ҳам муваффақиятли ўтди. Дастлаб, “Металлург U-12” жамоаси “Betiona CD U12” (Испания) ўсирилари қарши майдонга тушиб, йилрик – 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди.



“Металлург U-17” эса ушбу турда Франциянинг “Бордо U-19” жамоасига қарши майдонга чиқди. Бекободликлар ўзларидан ёши катта французлар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Бугунги ғалабадан кейин “Металлург U-12” ўз гуруҳларида юз фоизлик натижа билан пешқадамлик қилишмоқда. “Металлург U-17” эса 5 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

Карате WKF бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Қирғиз Республикасида ташкил этиладиган “Issyk-kul Open” мусобақасида иштирок этиши ҳақида маълум қилган эдик.

Турнирда Қирғиз Республикаси, Россия ва Ўзбекистондан 500 нафарга яқин спортчи қатнашди. Kumite йўналишида ўтган мусорасиз беллашувларда ҳамюртларимиз 5 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.



БОКСЧИЛАРИМИЗ “ЧЕМПИОНЛАР ОҚШОМИ” ДА...

Жорий йилнинг 15 июль куни Таиланднинг Пхукет шаҳрида бокс бўйича “Чемпионлар оқшоми” турнири ташкил этилади.

Ушбу турнирда Ўзбекистон терма жамоасининг уч нафар вакили ҳам рингга кўтарилади. Шоу доирасида Олимпиада ва жаҳон чемпиони Ҳасанбой Дўсматов, жаҳон чемпиони Асадхўжа Мўйдинхўжаев ва ЖЧ иштирокчиси, бир қатор халқаро турнирлар ғолиби Муҳибилло Турсунов рингга кўтарилади.



Жанглр 3 дақиқадан 5 раунд давом этади. Маълумот учун, IBA томонидан бўл-

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Суҳробжон САДИРОВ тайёрлади

Сиз бунга нима дейсиз



Биламан, бу гапим кўпчиликка ёқмайди. Она халқнинг азалий аъналарини қадриятларига тил тегишида айблаб қолишлари ҳам ҳеч гапмас. Лекин бу мавзуда фикр билдираётганда онгли, зиёли ва мусулмонга хос йўсинда босиқлик билан иш тутасак яхши бўларди...

Адашмасам, олти-етти ёшларда эдим. Улоқчам бўларди. Унга исм ҳам қўйган эдим: Вася! Бир-икки ойли эчки боласининг кўзига ҳеч қараганмисиз? Дунёда бунақа чиройли, маъсум ва беғубор кўз бўлмайди. Васянинг кўзлари мовий эди. Шунчаки чиройлики...

Мен Васяни ҳар куни онаси билан яйловга олиб чиқаман. Улоқча тошдан тошга сайраб, дириллаб ўйнайди. Ёнимга югуриб келади, сўйқалиб, ўзини минг нағмага солади. Мен Васяни шу қадар яхши кўраманки, жонивор тушларимга киради.

Афсуски, Вася билан дўстлигимиз узоққа бормади. Чунки эчки боласи жуда тез катта бўлади. Шунинг учун биз томонларда “Эчки шайтон бўлади” деб қўйишди. Менинг Васям ҳам тез орада катта бўлиб кетди. Орадан бир йил ўтди, уни бир неча марта сотишга ҳаракатлар бўлди, лекин азбаройи яхши кўрганимдан Васяни ҳеч кимга бермадим. Жонивор соқоллари



селкиллаган бир така бўлди, бир така бўлди...

Қўнларнинг бирида таниш амаки унга харидор бўлиб келди. – Баҳорда кўпқари қиламан, шу такани менга беринг, – деб туриб олди.

Ҳар қанча уринмайин, гапимни ўтказма олмадим. Вася сотиб юборилди. Қузу қиш ўтиб,

баҳор келди. Қишлоқда бадабанг кўпқарили тўй бўлди. Майдонга бордим. Чавандозлардан бири отнинг узангисига маҳкам боғланган улоқни судраб келарди. Эҳ, не кўз билан кўрайки, бу Вася эди!

сяни бир четга улоқтириб, бошқа такани ўртага олдилар. Ўшанда Васянинг теласига бориб, жониворнинг не қўйга солинганини кўрдиму ҳаёлимга бир савол келди. Кўпқарини ким уйлаб толган ўзи?

Кўпқари... такасалтанглар топган ўйинми?



Бу савол йиллар ўтиб улғайди: кўпқарининг маънисини нима? Полвонлигү чақонлиқни синайдиган, намойиш қиладиган бошқа йўл йўқми?

Ўзингиз уйлаб кўринг, эчки Худо берган бир неъмат эди! Уни бир бечора-камбағал сўйиб еганда, нақд бир ой рўзғори обод бўларди. Лекин ҳалол жонлиқ соатлаб оёқ остига олиб тепкиланди, бирорта суяги бутун қолмади. Бир сўз билан айтганда Худо берган неъмат увол қилинди. Энди уни ҳатто ит ҳам емайди.

Назаримда, инсонийликка хос бўлмаган одатларга аста-секин барҳам беришимиз, ўрнига яхшилик, эзгулик таратадиган аъналар яратишимиз лозим. “Азал-азалдан” деб така гапи-

риб юборишдан аввал ўйлаб кўриш керак: қачондан, ким жорий қилган бу одатни?!

Уч-тўрт аср бурун бир гуруҳ такасалтанг жорий этган ишлар ҳам “асрий аъна”га айланиб кетавермаслиги керак, ахир! Ит,

қўн юборишдан аввал ўйлаб кўриш керак: қачондан, ким жорий қилган бу одатни?!

Уч-тўрт аср бурун бир гуруҳ такасалтанг жорий этган ишлар ҳам “асрий аъна”га айланиб кетавермаслиги керак, ахир! Ит,



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-731.

6 425 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6